

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 193 (11.754)

Баҳоси эркин нарҳда

Бугунги кунда корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган эътибор боис рақобатбардош маҳсулотлар турлари кўпайиб, бу иқтисодийтимиз ривожига ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ


«Тошкент подшипниклар заводи» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқаришни модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнилари изчил давом этмоқда.

Ўтган йилда «Қишлоқ қурилиш банки»дан олинган 108 миллион сўм кредит ва корхона маблағлари ҳисобига 11 та янги дастгоҳ ўрнатилди. Ҳозирги кунда замонавий дастгоҳлар қуввати билан мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган «Nexia» автомобиллари учун рул каркаслари тайёрланмоқда.

Корхона йилига 100 минг дона ана шундай бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш имкониятига эга. Жорий йил охиригача «Matiz» автомобили учун рул каркасларини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади. Келгуси йилдан «Spark» ва «Lasseti» энгил автомашиналари учун бутловчи қисмлар тайёрлашни ўзлаштириш ҳам кўзда тутилган.

Айтиб ўтиш лозимки, корхонанинг асосий фаолият доирасига мuddати тууган подшипникларни таъмирлаш ва қишлоқ хўжалик техникаси учун эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш кирди.

— Бугунги кунда 19 хилдаги шундай механизмлар тайёрланмоқда, — дейди жамият бошқаруви раиси Ҳамдам Абдуллаев. — Энг муҳими уларнинг барчаси импорт ўрнини босади. Жумладан, хорижда тайёрланган «Kiev» ва «Klaas» комбайнлари, «Kverland» плуглари учун турли эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришга муваффақ бўляпмиз. Бундай техника воситалари қишлоқ хўжалигида катта мададкор бўлаётганини инобатга ол-



Маҳаллийлаштириш  
дастури — амалда

### АВТОМОБИЛЛАР УЧУН БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАР

сак, бизнинг ҳам бу борада ҳиссамиз борлигидан хурсандмиз.

Корхонада Баркамол авлод йилида ёшлар учун иш ўринлари яратилган эътибор қаратилган. Меҳнат қилаётган 50 нафар ишчи-хизматчи сафига айна кунларда беш нафар ёшлар қўшилган бўлса, йил охиригача яна шунча квота ўрин очил кўзда тутилган. Бу ерда ўз соҳасининг етук мутахассислари меҳнат қилишади. Ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ўсиши шу боисдандир деса бўлади. Ўтган йилда 250 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 935 миллион сўмга ет-

казиш режа қилинган. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажмининг уч баравардан зиёдга ўсишини кўрсатиб турибди. Ўтган саккиз ой якунига кўра 600 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

«Тошкент подшипниклар заводи» МЧЖнинг яна бир ютуғи хусусида тўхтайдиган бўлса, яқинда эстонилик шериклар билан ҳамкорликда «Тикитрейлер» қўшма корхонаси ташкил этилди. Замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган бу корхонада йил охиригача энгил автомобиллар учун тиркама тайёрланади.

Шарифа ИЛЁСОВА  
Ҳакимжон Солиҳов  
олган сурат

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида аудиторлик соҳасини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида юртимиз молия бозорига аудит тизими бизнес самардорлигини реал ва ҳаққоний баҳолашнинг амалий воситасига айланмоқда.

Бунда давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 4 апрелда қабул қилинган «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлаётди.

Аудиторлик ташкилотлари нафақат текширувчи, балки ташкилотлардаги камчиликларни бартараф этишда амалий таълим берувчиларга ҳам айланмоқда. Жойларда 112 аудиторлик компанияси фаолият юритмоқда. 1996 йилда Тошкент шаҳрида ташкил этилган «Holis-guruh» компанияси улар орасида етакчилардан биридир.

— Жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда барча хизматларни

### Фармон ва ижро

#### «ЎЗМЕДЭКСПО-2010» КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» кўргазмалар залида «Ўзмедэкспо-2010» халқаро иқтисослашган тиббиёт кўргазмаси иш бошлади. Кўргазма Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Дори-дармон» акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилди.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишларига оид фармони аҳоли саломатлигини муҳим маҳсулотларига ҳам кенг ўрин берилган. Улардан бири — «Ўзкимёфарм» очик акциядорлик жамиятида айни пайтда тиббиётнинг барча соҳаларида қўлланиладиган саксон турдан кўпроқ дори-дармон ишлаб чиқарилаётган «Юртимизда фармацевтика саноатини ривожлантириш, истеъмолчиларни маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқарилган дори-дармонлар билан таъминлаш, тармоқда сифат ва самардорликни оширишга қаратилган эътибор корхона фаолиятини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш жараёниларини замонавийлаштириш имконини бермоқда. Ҳозирги кунда жамиятнинг ампула дорилар ишлаб чиқарадиган цехига 1,5 миллион доллар қийматидаги янги линия ўрнатилмоқда. Бу маҳсулот ҳажминини ошириш, сифатини янада яхшилаш, ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришга хизмат қилади.

Кўргазмада мамлакатимиз ва жаҳон тиббиётининг ана шундай ўзига хос ютуқлари, диагностика ва даволаш технологиялари, стома-тология жиҳозлари кенг намойиш этилмоқда.

Бунда аънавий тарзда ўтказилаётган «Ўзмедэкспо» халқаро иқтисослашган тиббиёт кўргазмасининг ҳам ўз

ўрни бор. Бу йилги кўргазмада Россия, Беларусь, Германия, Польша, Ҳиндистон, Хитой, Бирлашган Араб Амириклари каби хорижий давлатлардан қатор етакчи фармацевтика компаниялари иштирок этмоқда.

Кўргазмада маҳаллий фармацевтика компаниялари маҳсулотларига ҳам кенг ўрин берилган. Улардан бири — «Ўзкимёфарм» очик акциядорлик жамиятида айни пайтда тиббиётнинг барча соҳаларида қўлланиладиган саксон турдан кўпроқ дори-дармон ишлаб чиқарилаётган «Юртимизда фармацевтика саноатини ривожлантириш, истеъмолчиларни маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқарилган дори-дармонлар билан таъминлаш, тармоқда сифат ва самардорликни оширишга қаратилган эътибор корхона фаолиятини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш жараёниларини замонавийлаштириш имконини бермоқда. Ҳозирги кунда жамиятнинг ампула дорилар ишлаб чиқарадиган цехига 1,5 миллион доллар қийматидаги янги линия ўрнатилмоқда. Бу маҳсулот ҳажминини ошириш, сифатини янада яхшилаш, ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришга хизмат қилади.

Кўргазмада мамлакатимиз ва жаҳон тиббиётининг ана шундай ўзига хос ютуқлари, диагностика ва даволаш технологиялари, стома-тология жиҳозлари кенг намойиш этилмоқда.

(ЎЗ)

### БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган навқирон авлодни турли хасталиклардан асраш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида, кўплаб оғир хасталиклар ва ногиронликнинг олди олинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётди.

(Давоми 2-бетда).

### ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Яккасарой энгил саноат касб-хунара коллежида «Ракат» маҳалласи, туман ФХДЭ бўлими ва марказий поликлиника ҳамкорлигида ўқувчи ёшларнинг тиббий саводхонлигини оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

✓ **ТОШКЕНТ** меҳр-шафқат коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида маънавий-маърифий масалаларга бағишланган давра суҳбати уюштирилди.

✓ **8-10 ОКТЯБРЬ** кунлари Тошкентда таэквандо бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Кеча таэквандо мутасаддилари ва мураббийлар иштирокида ўтказилган учрашувда турнирга тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди.

### ЖАҲОНДА

● Грузия бош вазири Н.Гилаури Тбилиси Россиянинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига киришини қўллаб-қувватламаслигини билдирди.

● Бу йил кимё йўналиши бўйича Нобель мукофотида органик синтезда палладий катализатори ихтироси учун Ричард Хек, Эй-ичи Мигише ва Акира Сузуки лойиқ деб топилди. Уларга 10 миллион швед кронаси (1 миллион еуродан кўпроқ) га тенг мукофотни топшириш маросими 10 декабрда ўтказилади.

● Кеча АКШнинг Аризона штатига торнадонинг хуружи натижасида 100 та уй вайрон бўлди, 7 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● Индонезиянинг Фарбий Папуа музофотида юз бераётган сув тошқинлари катта талафотларни келтириб чиқармоқда. Чунончи, тинимсиз ёғаётган ёмғир боис баъзи дарёларда сувнинг сатҳи 3 метргача кўтарилди, кўплаб турар жой бинолари сув остида қолган. Сув тошқинлари оқибатида 600 киши бошпанасидан айрилди, 86 киши ҳаётдан кўз юмди, 90 киши эса тан жароҳатлари олди. Синоптикларнинг маълумотига қараганда, ушбу ҳудудда ёгингарчилик ҳафта охиригача давом этади.

● Узок Шарқда давом этаётган кучли ўрмон ёнғинларининг ярмиси бартараф этилди.

● Франциянинг Марсель, Авиньон ва Бордо шаҳарларида террорчиликка алоқадорликда гумон қилиниб, 12 киши ҳибсга олинди. Улардан биридан ўқотар қурол ва портловчи модда топилди. Маълумотларга кўра, гумондорларнинг барчаси сал аввалроқ Италиянинг Неаполь шаҳрида қўлга тушган террорчи билан алоқадор.

● Нигерияда вабо тарқалиши оқибатида уч юз эллик киши ҳаётдан кўз юмди ва минглаб одамлар оғир аҳволда касалхоналарга жўнатилди. Эпидемия гигиена қоидаларига риоя қилмаслик ва яроқсиз сув истеъмол қилиш оқибатида юзага келган. Бир неча кундан буён давом этаётган ёнғингарчилик унинг янада авж олишига сабаб бўлаётди.

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан ҳам қўллаб қўйиладиган амалга оширилади.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга «Соғлом она – соғлом бола» дастурининг мазмун-моҳиятини тушунириш, турғуқ ёшидаги аёлларга кўрсатиладиган тиббий хизматни янада такомиллаштириш борасида жамғармаиз томонидан ишлар амалга оширилмоқда. – дейди ЎзА мухбирига жамғарманинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Жумабек Нуров. – Жумладан, лаб танглайда да оёғида тўғма нуқсон бор уч юзга яқин бола юртимиз шифохоналарида, ўндан зиёд ўғил-қиз Германиянинг нүфузли клиникаларида жароҳлиқ йўли билан даволанди. Шунингдек, юрагида тўғма нуқсон бўлган болаларни соғломлаштириш борасида Жанубий Корея билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жорий йилда корейлик мутахассислар юртимизга ташриф буюриб, 50 нафардан зиёд болани тиббий кўри-

дан ўтказди. Хасталик аниқланган ўғил болаларнинг юртимизда Жанубий Корея шифохоналарида жароҳлиқ йўли билан саломатлиги тикланди.

Бугунги кунда жамғарманинг вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 14 тиббий-ижтимоий маркази фаолият юритмоқда. Улар томонидан

унинг асоратлари», «Оила ва никоҳ» мавзуларида давра суҳбатлари ва семинар-тренинглари уюштирилди. Бу каби тадбирларда репродуктив саломатликка таъсир қилувчи омиллар, юқумли касалликларнинг оғир асоратлари, ўсимирлар, фертил ёшдаги аёллар ва оила қуриш арафасидаги

Мазкур қарорда қишлоқ жойларида тиббий-профилактика хизмати самарадорлигини ошириш, бўлажак оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида таркибиде фоли кислотаси мавжуд умумий қувватлантурувчи поливитаминлар етказиб бериш вазифаси белгилаб берилган.

тиббий-ижтимоий марказларда «Еш оналар мактаби» ташкил этилган. Тингловчилар дарс давомида никоҳ, оила ва ҳомилла парвариси ҳақидаги зарур маълумотларга эга бўладилар.

Тошкентлик Феруза Назарова айна кунларда иккинчи фарзандига ҳомилдор. У марказ мутахассисларининг тегишли тавсиялари билан болани ҳар томонлама соғлом туғилишига эришиш мақсадида «Еш оналар мактаби» дарсларида фаол қатнашмоқда.

– Мутахассисда шифокорлар кўригидан ўтганимда, менда камқонлик аломатлари аниқланган эди, – дейди Феруза. – Шифокорлар тавсиясига қўра, тўғри овқатланиш қоидаларига риоя қилиб, организм учун керакли витаминлар ва дори-дармонларни вақтида қабул қилганим ҳар томонлама фойда берди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб бориладиган бундай хайрли ишлар замирида фарзандларимизни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашдек эзу мақсад мутасаддиқларимизнинг, балки юртининг порлоқ келажигидир.

Гўзал САТТОВА

### БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳоли, айниқса, аёллар ва болалар шифокор ва мутахассислар ёрдамида сифатли тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Мутахассислар маҳалла ва қишлоқлардаги оилаларнинг ижтимоий шароити, ундаги психологик муҳит, оила аъзоларининг, айниқса, туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсимирларнинг соғлигини ўрганиб, амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Ўтган вақт мобайнида Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти, Республика репродуктив саломатлик маркази, Республика скрининг маркази билан ҳамкорликда аҳоли орасида «Камқонлик ва унинг олдини олиш», «Гиёҳвандлик, ОИТС ва

ёшларнинг ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтиши, соғлом фарзандлар дунёга келиши самаралари хусусида атрофлича маълумотлар бериб берилмоқда.

Бугун тиббиёт мутахассислари инсон ҳаёти учун зарур витаминлар, хусусан, фоли кислотаси етишмовчилиги туфайли ҳомиллада туғма нуқсон бўлиши мумкинлигини таъкидламоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 22 июлда қабул қилинган «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чораларни таъминлаш» қарори бу борадаги муаммоларни бартараф этишда муҳим омил бўлмоқда.

Жамғарма томонидан мазкур қарор ижроси юзасидан аҳоли, айниқса, бўлажак оналарга поливитаминларнинг организм учун аҳамиятли жиҳатлари кенг тарғиб қилинмоқда. Витаминлар етишмовчилиги натижасида келиб чиқадиган хасталиқлар, унинг салбий оқибатлари ҳақида тушунириш ишлари олиб борилмоқда. Айна пайтда тиббий ижтимоий марказлар томонидан вилоятлардаги ҳомилдор аёллар сони аниқланиб, уларга тегишли тавсиялар берилмоқда.

Хотин-қизлар, айниқса, бўлажак оналарнинг оила ва фарзанд тарбияси, соғлом авлодни дунёга келтириш борасидаги кўнжмаларини шакллантириш мақсадида

замондан илгарироқ юр, қўлингдан келмаса, замон билан барабар қадам ташла, лекин зинҳор замондан орқадан қола кўрма». Бугунги ёш авлод шахдам қадам ташламоқда, изланишлари чексиз. Демак, ёшларимиз замон билан ҳамнафасдир.

Гулчеҳра АШУРОВА,  
Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси талабаси

### КАФОЛАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳозир йирик мижозларимиз сони олтидан ошди. Улар орасида йирик сугурта компаниялари, банклари, ишлаб чиқариш корхоналари бор.

Бухгалтер корхонанинг ҳисобот тизимини юритиш, биз унинг фаолиятини баҳолаймиз. Ҳамма ҳам ўзининг ҳато ва камчилигини вақтида сезиб, фолиятига тўғри баҳо бериши қийин. Шу боис ҳар бир ташкилот акциядорлари молиявий-ҳўжалик фаолиятини назорат қилиш ва сўғамали юритиш, активлар ва ҳисоб ҳужжатларининг сақланишини таъминлаш, ҳато ва фирибгарлик ҳолатларининг олдини олиш ҳамда аниқлаш мақсадида йилда бир марта аудиторлик хулосасини кўриб, ўрганиб чиқади. Бунда аудиторлик компаниясини ҳамкорлик учун танлаб, тақлиф қилиш уларнинг истағи билан амалга ошади.

Мижозлар ишончини қозонишда аудиторлик текширувларини ҳолис қилган амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Компаниямизда мулкдорлар, акциядорлар, инвесторлар, кредитдорлар ва бошқа молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун ҳолис хулосалар бериш, солиқ борасидаги ҳужжатларни тўғри юритиш ва самарадорликни ошириш бўйича амалий тақлифлар бериш хизматлари йўлга қўйилган. Шунингдек, аҳолига солиқ ҳужжатлари тўлаш борасида юзага келадиган саволлар борасида ҳам маслаҳатлар берилмоқда.

Сайёра ШОЕВА

### Ёшлар — келажакимиз

### ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛАЙЛИК

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маънавият ва маърифат маркази, талабалар касаб уюшмаси ҳамкорлигида «Талабалар бағишлов» анжумани бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Миллий университети ректори Гофуржон Муҳамедов биринчи босқичга қабул қилинган ёшларни қўллар экан, мўътабар олий ўқув юрти номини азиз тутишлари, аёло ўқиб, мустақил юртимизга муносиб фарзанд бўлишларига тилак билдирди.

Биринчи босқич талабаларига рамзий қалит ва талабалик ғувоҳномасининг топширилиши гулдурас қарсақлар билан олқисланди.

Анжуманда эл суйган хонандалар Умид Шаҳобов, Ойбек ва Нигоранингу кувнок ўқушлари, «Мафтуна» ҳамда университетнинг «Шоввоз-

лар» гуруҳи чиқишлари даврага янада фойз киритди.

Тинимсиз ҳаракат орзуларни рўёбга чиқаради, албатта. Ўз устида тинмай ҳаракат қилиб изланган бир минг етти юз нафар ўғил-қиз бугун ЎЗМУ талабалари сафида. Доноларнинг шундай сўзлари бор: «Кўлингдан келса,



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги «Деҳқон бозорлари ва савдо компаниялари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чораларини таъминлаш» қарорида белгилаб қўйилганидек, илтимос қилинган деҳқон ва буюм бозорлари фаолиятини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, улар томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, сифати паст қалбаки ва контрабанда маҳсулотлари сотилишига йўл қўймаглик мақсадида турли чораларни амалга оширилмоқда.

### ФАОЛ ҲАМШИРАЛАР ТАНЛОВИ

«Туркистон» саройида Ўзбекистон касаб уюшмалари федерацияси кенгаши Курортлар бошқармасига қарашли санаторийлар ўртасида «Йилнинг фаол ҳамшираси – 2010» танлови бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифалар изчил ҳаётга татбиқ этилиши тиббий хизмат сифатини янада юксалтириш, санаторийлар ва дам олиш масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа мутахассисларининг муҳим омил бўлмоқда.

Айна пайтда, деб хабар беради ЎзА, Курортлар бошқармаси тизимида фаолият юритаётган санаторийларнинг барчаси жаҳон андозалари даражасидаги тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Диагностика ва даволаш ишларида жаҳон тиббиёти ва мам-

лакатимиз илм-фаннинг энг илғор ютуқларидан кенг фойдаланилаётди.

Санаторийларда дам олувчиларга юксак савияда хизмат кўрсатишда малакали ҳамшираларнинг алоҳида ўрни бор. Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг фаол ҳамшираси» танловидан кўзланган мақсад ҳамшираларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илғор тажрибани омдалаштириш, аҳолига тиббий-профилактика ёрдами кўрсатиш ишларини янада такомиллаштиришдан иборат.

Танловда пойтахтимиздаги «Чинобод» санаторийси ҳамшираси Нарғиза Ғулмова ғолиб чиқди. Илғор ҳамшира фаолият юритаётган санаторийга энгил автомашина тақдим этилди.

Пойтахтимиздаги «Турон» санаторийси ҳамшираси Нозима Норматова иккинчи, Фаргона вилоятида жойлашган «Чимён» санаторийси ҳамшираси Севара Миркомилова учинчи ўринга лойиқ қўрилди. Ғолиб ва совриндорлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Б.ХИДИРОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги «Деҳқон бозорлари ва савдо компаниялари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чораларини таъминлаш» қарорида белгилаб қўйилганидек, илтимос қилинган деҳқон ва буюм бозорлари фаолиятини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, улар томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, сифати паст қалбаки ва контрабанда маҳсулотлари сотилишига йўл қўймаглик мақсадида турли чораларни амалга оширилмоқда.

### Қарор ва ижро МАХСУС ДАСТУР АСОСИДА

Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан Юнусобод тумани солиқ инспекцияси томонидан махсус дастур ишлаб чиқилиб, бу борада тегишли ижобий натижаларга эришилди.

Инспекция ходимлари томонидан қачана савдо корхоналари, микрофирмалар, хизмат кўрсатиш соҳасининг бошқа субъектлари, яқна тартибдаги тадбиркорлар иштирокида ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини кенг ва атрофлича тушунириш ишлари амалга оширилмоқда.

Айтиш жоизки, қарордан кўзланган мақсад аввало халқимизнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш билан бирга хизмат турлари ҳар хил бўлган бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва бу ерда аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини янада яхшилашдир. Бу эса биз, солиқ ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юқлайди.

Шухрат ЖУМАНИЁЗОВ,  
Юнусобод тумани давлат солиқ инспекцияси ходими

### Иқтисодиёт янгиликлари

### ПАРДОЗЛАШ АШЁЛАРИ

**Бунёдкорликда пардозлаш ашёларининг ўзига хос ўрни бўлиб, қад ростлаган бино ва иншоотлар кўркини оширишда, давр талабига мос безак беришда, чирой бахш этишда муҳим аҳамият касб этади.**

Бир неча йиллардан буён фаолият кўрсатаётган «East Kolor» қўшма корхонасида ҳам қўллаб турдаги пардозлаш ашёлари ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса буюртмачилар талабига қўра бундай маҳсулотларнинг замонавий қадоқланишига қаратиладиган эътибор уларнинг харидорлигини оширмоқда.

Корхонада лок-бўёқ, эмаль, безак ашёлари, қуруқ қурилиш аралашмалари, махсус полиэтилен идишлар, бошқа маҳсулотлар тайёрланади. Бу ерда маркетинг ишлари яқин йўлга қўйилган бўлиб, тайёрланаётган маҳсулот рақобатбардорлиги таъминланади.

Буюртмалар кўпайиши ишлаб чиқариш ҳажми ортишига асос бўлиб, янги дастоҳ ва ускуналар

ҳам ўрнатилди. Натижада аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар учун иш ўринлари яратишга муҳим ҳисса қўшилмоқда. Корхонада 200 нафарга яқин ишчи-хизматчининг самарали меҳнат қилиши учун барча шароитлар яратилган.

### ТИББИЁТ МЕБЕЛЛАРИ

**Барча соҳаларда бўлгани каби тиббиёт тизимида ҳам ислохотлар изчил давом этмоқда. Замонавий тиббиёт масканлари фойдаланишга**

топширилиб, бугунги кун талаблари даражасидаги асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда.

«Тиббиёт мебель» масъулияти чекланган жамияти соҳа учун мебель ва анжомлар ишлаб чиқаришга иктисослашган бўлиб, йилдан йилга имкониятлари кенгайиб бормоқда. 2006 йилда иш бошлаган бу корхонада йилга ўрта ҳисобда 750 миллион сўмга тенг маҳсулот тайёрланади.

Мақсадимиз тиббиёт масканларини махсус мебель ва инвентарлар билан таъминлаш баробарида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга, тиббиёт ходимлари ва беморларга қулайликлар яратиш-

га муносиб ҳисса қўшишдир, — дейди корхона раҳбари Мизроб Шарипов. — Имкониятлардан самарали фойдаланаямиз. Маҳсулотларимиз сифати ва дизайнга қаратилган катта эътибор буюртмалар ортиб, ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баробар кўпайишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йилда айни ичида ишчи-ходимларимиз сафи салкам уч бараварга ортиб, 80 нафарга етганини, асосан ёшлар иш билан таъминланганини таъкидлаш ўринли.

Корхонада айни пайтда 100 турдан ортик тиббиёт мебель ва инвентарлари ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирда илғор тажрибаларни қўллаган ҳолда янги лойиҳалар устида ишлангани давом этмоқда. Ички бозорга маҳсулот етказиб бериш билан бирга экспорт имкониятлари ҳам ўрганилмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

### Қишга тайёргарлик — долзарб вазифа

### ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

**Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг шу йил 16 июнда қабул қилинган «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2010-2011 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан пойтахтимизда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.**

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Абдувоҳид Саматовнинг айтишича, тегишли мутасаддиқ корхона ва ташкилотлар, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари ҳамкорлигида ҳозирги кунга қадар 1991 йилгача қурилган 318 кўп қаватли уй, тўрт юздан ортик қозон, йигирма километрдан кўпроқ иссиқлик, 150 километрга яқин газ ва ўнлаб километр сув тармоқлари капитал ва жорий таъмирланган. Шунингдек, 8214 кўп қаватли уйнинг иссиқлик тизими босим остида ювилди. Иссиқлик энергиясининг талаб даражасида узлуксиз етказилишини таъминлаш мақсадида иссиқлик бўғинларига 8841 торайтирувчи мослама ўрнатилди.

Шаҳардаги кўп қаватли уйлар, таълим муассасалари ва иншоотларнинг иссиқлик қувурларидаги, электр энергия тизимидаги носозликлар, газ босимининг пастиги туфайли юзага келиши мумкин бўлган муаммоларга чек қўйиш, том ёпиш ишлари яқин кунларда ниҳоясига етказилади. Газ, иссиқ ва совуқ сув тармоқлари ҳамда электр таъминотининг ҳаво ва ер ости электр узатиш кабели линиялари, ер ости қудуқларининг аҳоли, умуман уй-жой фондининг мавсумга тайёрлик ҳолати жамоатчилик вакиллари ва мутахассислар иштирокида кўриқдан ўтказилмоқда.

Ўтган йили қишда шаҳардаги айрим ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тармоқларида носозликлар кузатилган эди. Бундан тегишли сабоқ чиқарилиб, жорий йилда бу борадаги камчиликларга йўл қўймаглик чоралари кўрилмоқда. Шу мақсадда 16 минг 122 тонна мазут ҳамда зарур кимёвий реагентлар жамғарилди. Турар жойларнинг томларини жорий ва мукамал таъмирлаш ишларини давом эттираётган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига имтиёзли нархларда қурилиш материаллари етказиб берилмоқда.

Шаҳардаги асосий иссиқлик етказиб берувчи «Тошкент иссиқлик маркази», «Тошкент иссиқлик электр маркази» очик акциядорлик жамиятлари ҳамда «Тошиссиққува» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва уларнинг иссиқлик марказлари мавсумга шай ҳолатга келтирилмоқда.

(ЎЗА)

### Алоқа ЧЕТ ТИЛИ САБОҚЛАРИ

**Тошкент Ахборот технологиялари университетида чет тилларини ўрганиш тўғрисида фаолият кўрсатмоқда.**

Олий ўқув юртининг иқтисодиёт ва бошқарув факультети талабалари саъй-ҳаракати билан ташкил этилган бу тўғрақ машғулотларида чет тилларда оғзаки нутқни ўстиришга ҳам эътибор қаратилмоқда. Намойиш қилинаётган видеофильмлар эса таълимий аҳамият касб этмоқда.

Ўзбек-корей ўқув маркази ҳам тўғрақ фаолиятини жонлантиришга хизмат қилмоқда. Университет қошидаги академик лицей да ҳам ушбу тўғрақ филиали очилди.

### АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

**«Тошкент шаҳар телефон-телеграф станцияси» филиалида «Уч авлод учрашуви» тадбирлари анъанага айланиб қолган.**

Яқинда уюштирилган байрам кечасида корхонада 40-50 йиллар давомида меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган нуронийлар билан учрашув ҳам ҳаммади яхши таассурот қолдирди.

Фахрийлардан 40 йилдан кўпроқ электроника цехида ишлаган Ҳидоят Рустамов цехнинг «фахрийлар дафтари»га киритилиб совғалар билан тақдирланди.

Ақбар АЛИЕВ



ЖАҲАТЛИК ЭЛЕКТРА

(Давоми. Боши 3-бетда).

ПАЙШАНБА, 14

«Ўзбекистон»

5.55 Қўрашув дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон! 7.00 «Икким».

«Ўзбекистон»

5.55 Қўрашув дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон! 7.00 «Икким».

«Ўзбекистон»

5.55 Қўрашув дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон! 7.00 «Икким».

«Ўзбекистон»

5.55 Қўрашув дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон! 7.00 «Икким».

«Ўзбекистон»

5.55 Қўрашув дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон! 7.00 «Икким».

«Ўзбекистон»

5.55 Қўрашув дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон! 7.00 «Икким».

22.55 «Легенда о пианисте». Х/ф. / Премьера/.

«Ўзбекистон»

22.55 «Легенда о пианисте». Х/ф. / Премьера/.

«Ўзбекистон»

22.55 «Легенда о пианисте». Х/ф. / Премьера/.

«Ўзбекистон»

22.55 «Легенда о пианисте». Х/ф. / Премьера/.

«Ўзбекистон»

22.55 «Легенда о пианисте». Х/ф. / Премьера/.

«Ўзбекистон»

22.55 «Легенда о пианисте». Х/ф. / Премьера/.

«Ўзбекистон»

22.55 «Легенда о пианисте». Х/ф. / Премьера/.

«Ўзбекистон»

22.55 «Легенда о пианисте». Х/ф. / Премьера/.

12.00 Док.филм «Технологии будущего».

«Ўзбекистон»

12.00 Док.филм «Технологии будущего».

«Ўзбекистон»

12.00 Док.филм «Технологии будущего».

«Ўзбекистон»

12.00 Док.филм «Технологии будущего».

«Ўзбекистон»

12.00 Док.филм «Технологии будущего».

«Ўзбекистон»

12.00 Док.филм «Технологии будущего».

«Ўзбекистон»

12.00 Док.филм «Технологии будущего».

«Ўзбекистон»

12.00 Док.филм «Технологии будущего».

18.20 2010 йил-Баркамол авлод йили: «Эртанинг ағлали».

«Ўзбекистон»

18.20 2010 йил-Баркамол авлод йили: «Эртанинг ағлали».

«Ўзбекистон»

18.20 2010 йил-Баркамол авлод йили: «Эртанинг ағлали».

«Ўзбекистон»

18.20 2010 йил-Баркамол авлод йили: «Эртанинг ағлали».

«Ўзбекистон»

18.20 2010 йил-Баркамол авлод йили: «Эртанинг ағлали».

«Ўзбекистон»

18.20 2010 йил-Баркамол авлод йили: «Эртанинг ағлали».

«Ўзбекистон»

18.20 2010 йил-Баркамол авлод йили: «Эртанинг ағлали».

«Ўзбекистон»

18.20 2010 йил-Баркамол авлод йили: «Эртанинг ағлали».

17.30 Следствие вели... 18.30 Чрезвычайное происшествие.

«Ўзбекистон»

17.30 Следствие вели... 18.30 Чрезвычайное происшествие.

«Ўзбекистон»

17.30 Следствие вели... 18.30 Чрезвычайное происшествие.

«Ўзбекистон»

17.30 Следствие вели... 18.30 Чрезвычайное происшествие.

«Ўзбекистон»

17.30 Следствие вели... 18.30 Чрезвычайное происшествие.

«Ўзбекистон»

17.30 Следствие вели... 18.30 Чрезвычайное происшествие.

«Ўзбекистон»

17.30 Следствие вели... 18.30 Чрезвычайное происшествие.

«Ўзбекистон»

17.30 Следствие вели... 18.30 Чрезвычайное происшествие.

16.05 Биз «Пошта».

«Ўзбекистон»

16.05 Биз «Пошта».

«Ўзбекистон»

16.05 Биз «Пошта».

«Ўзбекистон»

16.05 Биз «Пошта».

«Ўзбекистон»

16.05 Биз «Пошта».

«Ўзбекистон»

16.05 Биз «Пошта».

«Ўзбекистон»

16.05 Биз «Пошта».

«Ўзбекистон»

16.05 Биз «Пошта».

17.00 Сегодня.

«Ўзбекистон»

17.00 Сегодня.

«Ўзбекистон»

17.00 Сегодня.

«Ўзбекистон»

17.00 Сегодня.

«Ўзбекистон»

17.00 Сегодня.

«Ўзбекистон»

17.00 Сегодня.

«Ўзбекистон»

17.00 Сегодня.

«Ўзбекистон»

17.00 Сегодня.

«Спорт»

«Ўзбекистон»

«Спорт»

«Ўзбекистон»

«Спорт»

«Ўзбекистон»

«Спорт»

«Ўзбекистон»

«Спорт»

«Ўзбекистон»

«Спорт»

«Ўзбекистон»

«Спорт»

«Ўзбекистон»

«Спорт»

«Спорт»

«Ўзбекистон»

«Спорт»

«Ўзбекистон»

«Спорт»

«Ўзбекистон»

«Спорт»

«Ўзбекистон»

«Спорт»

«Ўзбекистон»

«Спорт»

«Ўзбекистон»

«Спорт»

«Ўзбекистон»

«Спорт»

Boш муҳаррир Акмал АҚОМОВ. Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума куллари чиқади. Нашр кўрсаткичи - 563. ISSN 2010-9229. Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми - 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2635 нусха босилади. Қотоз бичими А-2. Нашри етказиб бериш масалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтачига» - 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терлиди ва сақиданлини «Шарк» ширинет-матбос акциядорлик компанияси бошқармоқда. Корхона мизили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5